

Маҳалла — ота-онанг

2007 — Ижтимоий ҳимоя йили

ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

МАҲАЛЛА АЗАЛ-АЗАЛДАН ТИНЧЛИК-ОСОЙИШТАЛИК, МЕҲР-ОҚИБАТ, АХИЛЛИК ВА ҲАМЖИХАТЛИК МАСКАНИ ҲИСОБЛАНГАН. АЙНИҚСА ЁШЛАРИНИҲ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯЛИ, ИЙМОМ-ЭЪТИҚОДЛИ БЎЛИБ УЛҒАЙИШЛАРИДА ҲАМ УНИНГ ЎРНИ КАТТА БЎЛГАН. МАҲАЛЛАГА ЭЛДА ЭЪЗОЗЛИ, ҲАЛОЛ, КЕНГ ФЭЪЛИ, ОҚҚЎНЛИ, АДОЛАТЛИ ИНСОНЛАР ОҚСОҚОЛ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАНГАНЛАР. УЛАР ШУ ҲУДУДНИНГ ГУЛЛАБ-ЯШНАШИ, ХОНАДОНЛАРДАГИ ТИНЧЛИК-ХОТИРЖАМЛИККА МАСЪУЛ БЎЛИБ, ТҮЙ-ҲАШАМ, ОФИР-ЕНГИЛ КУНЛАР УЛАР ИШТИРОКИСИЗ ЎТМАГАН.

Мустақиллик йилларида ўзини-ўзи бошқариш тизимига катта эътибор қаратилди. Яъни Истиклол ўзбек маҳаллаларига янги-ча ҳаёт бахш этди, унинг обод ва бўзал бўлиши, роли ва таъсирининг ошиб бориши учун барча зарур шарт-шароитларни яратиб давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бугун маҳаллаларимиз кундан-кунга чи-

рой очиб энг обод гўшалар қаторидан ўрин олмоқда. Ушбу фикримизни биргина Собир Раҳимов туманидаги «Гузарбоши» маҳалласи мисолида айтиладиган бўлсақ юқорида келтирилган фикрлар бежиз эмаслигини кўралик. Айти кунларда 6170 аҳоли, уларнинг 3250 нафарини ёшлар ташкил этувчи ушбу маҳаллага «Эл-юрт хурмати»

ордени нишондори Турсунхўжа Эргашев бошчилик қилмоқда. Сўлим, ораста, тинчлик-осудалик ҳукмрон бўлган ушбу маҳаллада барча ишлар 1995 йилдан бери маҳалланинг пасту баландини кўриб, одамларнинг оғирини енгил қилиб, қўллаб-қувватлашга интилиб келаётган Турсунхўжа ака бошчилигида, фаоллар фикр-мулоҳазалари асосида амалга оширилди.

Ўтган Ҳомийлар ва шифокорлар йилида маҳаллада 24 нафар кам таъминланган оила, 12 нафар ногиронлар ва кўмакка муҳтож ёш болали, боқувчисини йўқотган кексаларга имкон борича моддий ва маънавий ёрдам берилди. Ёшларнинг соғлом бўлиши, спорт билан шуғулланиши учун шароитлар яратишга ҳаракат қилинди. Маҳалла бугун спортнинг бокс тури бўйича жаҳон чемпиони даражасига етган Бехзод Хидиров, таэквандо бўйича Европа чемпиони бўлган Равшан Исроиловдек фарзандлари билан фарҳангдори.

2007 — Ижтимоий ҳимоя йилини ҳам «Гузарбоши» маҳалласи катта орзу-ният, режа



ва вазифалар билан кўтиб олди. Январь ойида 100-мактаб-интернат болаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида чиройли тадбир ўтказилди. Байрам дастурхони атрофида болаларга Ҳомийларнинг совға-саломларини топширишди.

— Бундай тадбирлар ҳали кўплаб давом этади, кам таъминланган оилалар, кекса, ногирон, яқка-ёлғизлар ҳамisha эътиборимизда, кўмагимиздан баҳраманд бўлади, — дейди фаоллар билан галдаги режалар устида маслаҳатлашаётган маҳалланинг жонқуяр оқсоқоли Турсунхўжа Эргашев.

Азиза МУҲАМЕДОВА
СУРАТДА: «Гузарбоши» маҳалласи оқсоқоли Турсунхўжа Эргашев (ўртада) ўз фикр-мулоҳазаларини фаоллар билан ўртоқлашмоқда.



«МОЙАРИҚ»ҚА ОБОДЛИГУ ТОТУВЛИК ЯРАШАДИ

МАҲАЛЛАДОШЛАР САМАРҚАНД, БУХОРО ШАҲАРЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ, МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ГЎШАЛАРИГА ҚИЛИНГАН УЧ КУНЛИК САФАРДАН КЎНГИЛАРИ ЧОҒ, ДИЛЛАРИ ШОДОН БЎЛИБ ҚАЙТИШДИ. УЛАРИНИНГ ЮЗ-КЎЗЛАРИ, ГАП-СЎЗЛАРИДАН ОЛАМ-ОЛАМ ТААССУРОТ ОЛИШЖАНЛИГИ КЎРИНИБ ТУРАДИ.

— Бу зиёратни уюшқоқлик билан ташкил этган маҳалламиз оқсоқоли Эрийгит Бозорбоевга, ҳомийлик ёрдами кўрсатган Ақром Икромовга чин кўнгилдан миннатдорчилик билдиралик. — дейди ҳажон билан Насиба Зиёева. — Автобус ажратилганлиги, меҳмонхоналарга олдиндан буюртма берилганлиги тўғрисида етмиш киши мириқиб сайру саёҳат қилиб келди. Айниқса, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Имом ал-Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд ва бошқа улуг инсонларнинг ёдгорлик мажмуаларида бўлганлигимиз биз учун унутилмас хотира бўлиб қолди. Бу қадамжоларнинг Мустақиллик йилларида бутунлай қайта таъмирланганлиги ва обод қилинганлиги бизни гоят мамнун этди.

Меҳнат фахрийлари ёдида сақланиб қоладиган ана шундай саёҳатнинг уюштирилганлиги Собир Раҳимов туманидаги «Мойариқ» маҳалласининг серкўра фаолиятидан бир шинглик, холос. Бу ерда кейинги пайтда кўплаб эзгу ишларга кўл урилмоқда. «Мойариқ» — пойтахтимиз йилдан-йилга кенгайиб, янги уй-жой даҳалари қурилаётганлиги ҳисобидан ва аҳолига қулайлик яратиш мақсадида юзага келган маҳалла-лардан бири саналади. Худуднинг тарихий номи назарда тутилган ҳолда «Мойариқ» номи берилган ушбу маҳаллага шу ерда туғилган ўсган, ота-боболарининг аъёнчаларини давом эттираётган Эрийгит Бозорбоев бошчилиги қилиб, фаолларга таянган ҳолда иш олиб бораётган.

Ун олти кишидан иборат маҳалла Кенгаши барча ишларни олдиндан белгилаб олинган дастур асосида амалга оширмоқда. Кенгаш таркибиде катта ҳаёт таърибисига эга бўлган Эргаш Собиров, Камол Бобоев, Одил Тасқараев, Илгор Раҳиммирзаев сингари меҳнат фахрийлари, профессор Саримбек Наврузов, Ўзбекистон халқ артисти Халат Саидқосимов, «Хаёт» фирмаси директори Рустам Толипов, тадбиркор Адхамхўжа Абдукаримов ва бошқа заҳматкаш инсонларнинг фаолият кўрсатаётганлиги маҳаллани обод қилиш, одамлар бошини қовуштириш, маданий-маърифий ва тарбиявий ишларни адо этишда айниқса кўл келмоқда.

— Кам таъминланган оилаларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, туман меҳнат бўлими билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйган ҳолда фуқароларни ишга жойлаштириш диққат-эътиборимизда бўлмоқда, — дейди маҳалла оқсоқолининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Латифа Аб-

дуназарова. — Бу борада туман меҳнат бўлимининг катта инспектори Зуҳра Расуллова бизга ақиндан ёрдам бермоқда. Киска муддатда йигирмага яқин фуқаро, хусусан, Ҳуригул Усмонова қандолатчилик цехига, Бахтиёр Пулатов «Байтэкс» корхонасига, Йўлдош Собиров «Астера» дори-дармон фирмасига ишга жойлаштирилди. Турли сёрвис хизмати кўрсатиладиган шохобча, ошхонанинг очилганлиги ўн икки кишини доимий иш билан таъминлаш имконини берди. Наҳмиддин хожи ота хомийлигида кўп болали оилалар озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланди. Хомийлик ёрдами орқали уч хонадоннинг телефонлаштирилганлиги ҳам саховат белгисидир.

Маҳаллада ободончилик ва кўчаларнинг яшилдириш борасида олиб борилаётган ишлар айниқса эътиборга молик. Бу ишнинг дебочаси хайрли сазй-ҳаракатдан бошланганди. Маҳалла идораси учун анчадан бери фойдаланилмай ётган бино ажратилганди. Уни таъмирлаш, зарур ашёлар билан жиҳозлаш ҳақлар йўли билан амалга оширилди. Бу масалалар ҳам Ҳомийлар ҳиммат кўрсатишди. Яъни, маҳалла учун зарур бўлган компьютер мажмуаси тухтага этилди. Бирмунча кичик ишларда таъриба орттирган маҳалла фаоллари орадан кўп ўтмаёқ саломқили юмушларга кўл уришди. Жумладан, Ниҳол, Дўстлик кўчаларида яшовчи аҳолининг газ таъминоти яшилдириш учун янги ГРП қўрилмалиги ўрнатилиб, ишга туширилди, саккизта кўчада яшовчи 137 хонадон учун 2400 метр узунликдаги канализация тармоғи фойдаланишга топширилди. Ана шу жараёнда маҳалла фаоллари ва барча фуқароларнинг тотувлиги яна бир карра намоен бўлди. Кўчалар ва теваарак-атрофга 400 турдан зиёд манзарали ва мевали дарахт кўчатлари экилганлиги худуднинг кўркам бўлишига хизмат қилмоқда.

Тилга олинган эзгу ишлар замирида посбонлар сардори Баҳоидир Рўзиев, профилрактика бўйича ноҳир, катта лейтенант Умид Имомов, Аҳмадхон Абдураҳмонов, Дилором Нишонова, Эътибор Жўраева ва бошқа фаолларнинг кундалик сазй-ҳаракатлари мужассам. Улар «Ижтимоий ҳимоя йили» да маҳалла кенгаши тармоғидан белгилаб олинган режалар асосида кам таъминланган оилаларни химоялаш, маҳаллани ободонлаштириш каби бир қатор маданий-маърифий ишларни ижрал давом эттирмоқдалар.

Суннат САЙДАЛИЕВ
СУРАТДА: зиёратдан қайтган маҳалладошларнинг таассуроти бир олам.

Тадбирлар

«ДЎСТИГИМИЗ — ҚУДРАТИМИЗ»

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКISTONНИНГ КЕЛАЖАГИ КЎП ЖИҲАТДАН БАРКАМОЛ, САЛОҲИЯТЛИ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШГА БОҒЛИК. ШУНИНГ УЧУН ҲАМ БИРДАМЛИК РУҲИДА КАМОЛ ТОПАЁТГАН ЁШ АВЛОДНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ, СОҒЛОМ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР РУҲИДА ТАРБИЯ ТОПИШИГА КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар деган қоида мустаҳкамланган. Жаҳон таърибисидан маълумки, инсоннинг асосий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини қатъий ҳимоя қилмасдан ва амалда таъминламасдан туриб, жамиятни демократлаштириш мумкин эмас. Чунки инсонни улуғлаш, унинг ким бўлишидан қатъи назар қонун олдида тенглигини таъминлаш ҳамда ҳақ ва ҳуқуқларини қўриқлаш фақат демократик давлатларгагина хосядор. Мазкур модда инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси моддаларига тўла-тўқис мос келади.

Бугунги кунда Чилонзор туманида 49 та маҳалла жойлашган бўлиб «Наққошлик» маҳалласи улардан биридир. Қуни кеча ушбу маҳаллада «Камолот» ЕИХ Чилонзор туман бўлими Кенгаши ҳамкорлигида «Дўстлигимиз-қудратимиз» мавзусида дўстлик кечаси ўтказилди. Бу маҳаллада 20 дан ортиқ тур-

ли миллат вакиллари миллатлараро тотувлик, бағрикенглик билан аҳилликда яшаб келмоқдалар. Турли миллат вакилларида бир оиладек тинч, тотув яшашларида «Наққошлик» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Тамара Бочкарёвнинг ҳиссаси катта. У 1991 йилдан 1996 йилгача маҳаллада котиба, 1996 йилдан ҳозирги кунгача «Наққошлик» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси лавозимиде ишлаб келади. Кўп йиллик таърибага эга ва педагог бўлгани учун болалар билан ишлаш, таъкилотчилик қобилияти маҳаллани бошқаришда ёрдам бермоқда.

Маҳалла фуқаролари тадбирда ўзларининг миллий кийимларини кийган ҳолда, миллий таомлари, концерт дастурлари билан иштирок этдилар. Тўқин дастурхон миллий таомлар, турли хилдаги пиширилклар билан безатилди. Маҳалла ёшлари иштирокида арабча, русча, ўзбекча, замонавий рақслар, дўстлик ҳақида шеърлар ижро этилди. Катта ва кичик ёшдаги турли миллатга мансуб маҳалла фуқаролари бир даврада маҳкам қўл ушлашиб доира ҳосил қилиб, гўёки «Наққошлик» маҳалласи қальаси, дўстлик халқасини ташкил қилдилар. Дўстлик кечаси кўтаринки руҳда, байрамона кайфиятда ўтди. Ҳаммининг юзиде кувонч, шодиена, хўш сурди. Кечода «Энг яхши миллий кийим», «Энг лаззатли миллий таом», «Энг яхши миллий ашула» номинациялари бўйича гольи бўлганларга «Камолот» ЕИХ Чилонзор туман Кенгаши раиси Азимжон Хўсанов томонидан эсдалик совғалари ва кўррак нишонлари топширилди.

Гулнора АБДУВАХОБОВА,
«Камолот» ЕИХ Чилонзор туман бўлими «Маҳалла умидлари» маркази раҳбари

Хотира уйғонса гўзалдир

УМР ЙЎЛИНИНГ ЎЧМАС ПАҲЗАЛАРИ

ХАЛҚИМИЗДА «ЯХШИ НОМ ҚОЗОНИШ — УЛКАН БОЙЛИК ҚОЛДИРИШДАН АФЗАЛ» ДЕГАН ИБРАТЛИ НАҚЛ БОР. ДАРҲАҚИҚАТ ДУНЁДА ШУНДАЙ ИНСОНЛАР БОРКИ УЛАР УМРЛАРИ ДАВОМИДА ЯХШИЛИК, ЭЗГУЛИК, САХОВАТГА ЁНДОШИБ ЯШАЙДИЛАР. УЛАР БИР ЁРУҒ НУР БЎЛИБ ОДАМЛАР ОРАСИДА МЕҲР-МУҲАББАТ, ДЎСТУ БИРОДАРЛИКНИ ТАРАННУМ ЭТАДИЛАР. ЎЗЛАРИДАН ЎЧМАС, ШИРИН ХОТИРА, ШУ БИЛАН БИРГА ЭЛУ ЮРТГА НАФИ ТЕГУВЧИ СОЛИҲ ВА СОЛИҲА ФАРЗАНДЛАР ҚОЛДИРАДИЛАР. БУГУН БИЗ ИЛИК КАЛОМ БИЛАН ЁД ЭТМОҚЧИ БЎЛГАН ИНСОН ҲАМ УМР БЎЙИ САХОВАТ ВА ЭЗГУЛИККА ЁНДОШИБ ЯШАГАН ХУРСАНД МЕЛИКУЛОВДИР.

Шайхонтоҳур туманидаги «Янги шаҳар» маҳалласининг қувонч ташвишларига ошно бўлиб яшаган, умрининг бирон кунини маҳалласиз, оила-сизиз тасаввур этмаган, 78 ёшида ҳам фахрий оқсоқол бўлиб маҳалладошларининг яхши-ёмон кунларида елка-қўли бўлиш, оғирини енгил қилиш ниятида улар ёнида турган Хурсанд ота Меликулов ҳақида хотира ёзмоқчи эканамиз, уларнинг «Маҳалла — Ватан ичидеги Ватан» номили китобига назар ташлашни жоиз деб билдик. Негаки ушбу китоб талабчан устоз, меҳрибон ота, куюнчак, айни вақтда камтар-кискум маҳалла оқсоқоли умр йўлининг гўёки хар бир киррасини ёришти бераётгандек туюлди. Устоз домланинг ушбу китоб муқаддимасида ёзиб қолдирган: «Хотирани фақат таскин, овунч деб қараш — хато. Хотира муҳаббат, умид ришта-сиз бўлиб кишини ҳаётга боғлайди. Бошқалар эса унда ибрат кўради. Демак, ўзгалар учун ҳам, ўзимиз учун ҳам ўтилган йўлларни кўнгил билан, тафаккур билан ёдлаш ҳаёт қадар заруратдир» деган сўзлари гўёки бизни шундай қилишга ундади.

Ибрат олса аргизулиги зиёли оиланинг фарзанди бўлмиш Хурсанд Меликулов Алишер Навоий номидаги 40-мактабда ўқиб юрган кезларидеки тиришқоқлиги, фаол-

лиги, билимга чанқоқлиги билан ажралиб турарди. Унинг мактабини олтин медалъ билан битиришининг ўзи фикримиз далилидир. Ёшлиқдан тарих фанига кизиққан Хурсанд Меликулов Низомий номидаги Педагогика институтига (ҳозирги университет)га ҳужжатларини топшириб талаба бўлиш бахтига муюссар бўлди. 1956 йилда ушбу сазй-ҳаракатлар сабаб инквизитутни ҳам имтиёзли диплом билан тугаллаган. Шундан кейин унинг турли жаҳонларда иш фаолияти бошланган кетиди. Номзодлик диссертациясини муваффақият-ли ёқлаб, то нафақага чиққунга қадар Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат политехника институтига (ҳозирги университет)да бўлажак муҳандисларга тарих фанидан дарс бериб келган.

«Янги шаҳар» маҳалласида оқсоқол сифатида иш бошлаганидан буён урф-одат, расм-русум, буюк қадриятларни давом эттирган ҳолда фаолият олиб борган. Ҳар бир оилага кириб бориш, улар кўнглига йўл топиш, тўю-томошада ёки маъракада елкама-елка туриш, кексаларни эъзозлаб, ёшларга йўл бошлаш унинг шиори бўлди. Ободонлаштириш, кўчалар-зорлаштириш юмушлари авж олиб, маҳалла кўркам, озода, равон кўчалари, шинам масканлари билан эл озгига туш-

ган пайтлар оқсоқолнинг меҳнатлари ҳосили буй кўрсатди.

Хурсанд Меликулов оилада меҳрибон ота эди. У Саодатхон ая билан 30 йилдан ортиқ бирга тинчлик-тотувликда яшаб беш нафар ўғилни тарбиялаб вояга етказди. Уларни илмли, одобли, тарбияли, касб-корли, уй-жойли қилиб, элу-юрт учун керакли инсонлар этиб қаторга қўшди.

Биз жонхаш, жафокаш, элу юрти учун фидойи бўлган инсон ҳақида яна қанча мақтов сўзларини айтсак ҳам гўё камлик қилаётгандек туюлади. Азиз газетхон, Хурсанд Меликулов ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлишни истасангиз, у киши ҳаётлигида чоп этилган «Маҳалла — Ватан ичидеги Ватан» китобини ўқиб чиқини тавсия этган бўлар эдик. «Биз чиндан буюк миллатимиз. Буюклигимиз — заҳматкашлигимиз, фидойилигимизда, илму хунарга иҳлосимизда», — деб ёзган эди «Янги шаҳар» маҳалласининг куйинчак оқсоқоли Хурсанд ота Меликулов.

Ҳа, дарҳақиқат яхшиликка, эзгуликка йўрилган умр абдийликка даҳлдордир. У ёққан чироқ эса фарзандлари, набира, зваралари қўлида мангу машъала бўлиб улар йўлини ёришти туриши шубҳасиздир.

Шоира МУҲАМЕДОВА,
Анвар ЁҚУБХЎЖАЕВ

Маънавият

НАШРИЁТДА ЯНГИ ЦЕХ

«ЎЗБЕКISTON» НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ НОШИР ВА МАТБААЧИЛАРИНИНГ САМАРАЛИ ИЗЛАНИШЛАРИ БИЛАН ТАЙЁРЛАНАЁТГАНРАНГИ АЛЬБОМ-КИТОБЛАР АЙНИҚСА ХАРИДОРГИР БЎЛИБ БОРМОҚДА.

Бундай нафис босма маҳсулотларнинг намуналари Москвада ўтказилган халқаро китоб кўргазмасида энг юқори мукофот билан тақдирланиши ҳам бежиз эмас. Нашриёт ҳузурида тезкор рақамли чоп этиш цехининг бунёд этилиши ҳам айни муддао бўлди. Буклетлар, китобчалар, плакатлар каби оммабоп босма маҳсулотларини қиска фурсатда, ҳатто бир неча соат ичида тайёрлашга эришилади.

Шу сабабдан янги цех «Энг аъло сифат, энг замонавий дизайн, энг арзон босма нашр учун» деган шиорни ўз фаолиятига асос қилиб олди.

ЛИЦЕЙНИНГ ЁШ ИСТЕЪДОДЛАРИ

УСПЕНСКИЙ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА МАХСУР АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ СИМФОНИК ОРКЕСТРИ РЕПЕРТУАРИДА КЎПИНА МУСИҚА АСАРЛАРИ БОР. БУ ИСТЕЪДОДЛИ ИЖОДИЙ ГУРУҲНИНГ НАВБАТДАГИ ЯНГИ КОНЦЕРТИ ЭСА «ВАЛЬС, ВАЛЬС ВА ВАЛЬС» ДЭБ НОМЛАНДИ.

Профессор Владимир Неймер бадий раҳбарлигида тайёрланган бу дастурдан машҳур композитор Штрауснинг оҳангларга бой вальс асарлари ҳам ўрин олди.

Ўзбек бастакорларидан Муҳаммадҷон Мирзевнинг «Баҳор», Алишер Назаровнинг «Истиклол» деб номланган муסיқалари ҳам тингловчиларга манзур бўлди.

Шуниси диққатга сазоворки, бу дастур лицейнинг истеъдодли созандалари томонидан ижро этилди. Уларга дирижёрлик қилган ёшлар ҳам шу оркестрнинг умидли муסיқачилари бўлди.

Алоқа

«БИЛАЙН» ФАОЛИЯТИ КЕНГАЙДИ

БУГУНГИ КУНДА «БИЛАЙН» ХИЗМАТЛАРИ АҲОЛИ ОРАСИДА КЕНГ ОММАЛАШМОҚДА. ЎЗБЕКISTONДА УЯЛИ ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ БОЗОРИДА ЎЗ МАВҚЕИНИ ЭГАЛЛАЙ БОШЛАГАН «БИЛАЙН» ХИЗМАТ ТУРЛАРИ АБОНЕНТЛАРГА ҚАТОР ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИБ БЕРМОҚДА.

«Юнител» масъулияти чекланган жамият ўз фаолиятини «Билайн» савдо белгиси остида ташкил этмоқда. Хизматларнинг қатор афзалликларини мавжуд. Улар тармоқ ичидаги кириш кўнги-роқларининг бепуллиги, «Электрон» ҳисобда маблағ қолмаганда ҳам 60 кун мобайнида тармоқ ичида кириш кўнги-роқларини қабул қилиш имконияти яратилди. «Юнител»нинг барча миҳозларини «Билайн» тариф режасига ўтказиш тадбирлари кўрилмоқда. Айни вақтда миҳозларни қўллаб-қувватлаш маркази ҳам очилди.

ҲАМКОРЛИКДАГИ ИШЛАР

КОМПЬЮТЕР ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА ЖОРИЙ ЭТИШ МАРКАЗИ ФАОЛИЯТИ КЕНГ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛМОҚДА. «ЗИЁ НЕТ» ЖАМОАТ-ТАЪЛИМ АХБОРОТ ТАРМОҒИ ҲАМ УШБУ МАРКАЗ ТАРКИБИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Республикамиздаги мактаблар, лицей ва коллежлар, кутубхоналар, музейларни «Зиё НЕТ» тармоғига улаш ишлари амалга оширилмоқда. Давлат бошқаруш ва ижро органлари веб-саҳифаларини яратишга ҳам киришилди.

Ахборот-ресурс маркази фаолиятини йирик-лаштириш, уларга электрон почта хизматларини кўрсатиш борасидаги ишларни рўёбга чиқариш тадбирлари ҳам кўрилмоқда. Тармоқдан фойдаланувчилар учун Интернетга. Интернет-карточкалар орқали уланши имконияти ҳам яратилди.

МАРКАЗНИНГ САМАРАЛИ ИЗЛАНИШЛАРИ

ЎЗБЕКISTON АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИНИНГ ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ВА МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАР МАРКАЗИ ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ТЕХНИКАВИЙ ИЗЛАНИШЛАР АЛОҚА СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА. СИФАТ МЕНЕЖМЕНТИ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЖАРАЁНЛАРИ ҲАМ САМАРАЛИ БЎЛМОҚДА.

Марказнинг «Узстандарт» агентлигининг стандартлаш, метрология ва сертификациялаш илми изланиш институти билан ҳамкорлигида қатор янги техник воситалар намуналари юзага келди.

Сифат менежменти тизими янгиликлари соҳанинг бошқа тармоқларида ҳам ўз ифодасини топади.

Ақбар АЛИЕВ



МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ

Инсон била шайтон орасида адоватдур ва табиий муҳолифат: бири ўтдин ва бири туфроғдин. Бу адоват ораларидадур ул чоғдин ўт голиб бўлса, туфроғни кул қилур ва туфроғ голиб бўлса, ўтни ўчирур.

Илоҳи, йиллар ибодат қилгонни рад қилсанг, ҳеч ким даҳл қила олмас ва қарнлар (асрлар, даврлар — Э.О.) исён қилгани қабул қилсанг, ҳиқматин ҳеч киши била олмас.

Илоҳи, тақдир қилгонингни қилурга не ихтиёр, қилмасмен демакка кимнинг ҳадди бор.

Иста ато йўлида фидо жон қилмоқ, Куллуқ анога ҳам улча имкон қилмоқ, Зухри абад истасанг фаровон қилмоқ, Бил оми ато-анога эҳсон қилмоқ.

Отанг учун ҳамиша жонингни фидо қилишга тайёр тур, имконинг борича онангинг хўрматини ҳам жойига қўй. Ота-онага яхшилик қилишни охирагинг обод бўлишининг шартин деб бил.

Иймон топқон кишига Ҳақ раҳматидин, Ғам йўқ шайтон васвасау заҳматидин. Ишқ эрур дурру кўнгул дурж анга, Билки кўш ишқ кўнгул бурж анга.

Билки, ишқ дур бўлса, кўнгул унинг садафи, ишқ кўш бўлса, кўнгул унинг буржидир. Ишқ эритур ақли ситамкорани, Шуъла нечукким, су қилур хорани.

Ўт тошни сув қилганидек, ишқ ҳар қандай қаттиқ кўнгулни эритади. Истасангим, кўрмагайсен бевафолик, эй рафик, Қилма олам аҳли бирла ошнолик, эй рафик.

Икки жонибдин агар хулқ карим бўлғай, адабу тавозуъ муқобаласида иззату таъзим бўлғай. Агар икки томоннинг ҳам хулқи гўзал бўлса, бирининг адабу тавозесида жавобан иккинчиси иззату таъзим кўрсатади.

Инсоният боғининг дилписандроқ шажари ҳам эҳсондур ва одамийлик гулининг арқумандроқ гавҳари ҳам эҳсондур.

Инсоният боғининг гўзал дарахти ҳам, одамийлик гулининг қимматли гавҳари ҳам яхшиликдир. Исроф саҳо эмас ва итлофни маъно аҳли саховат демас.

Исроф қилиш саҳийлик эмас ва керакисиз ҳаракатни оқиллар саховат демас. Иликка кирса куруқ ноё, маош учун чекма Нишот неъматининг миннатини Хотамдин.

Кўлингга бир бурда нонинг бор экан, тирикчилик гамини еб, яхши еб-ичиш илинжида Хотам (саҳийлиги билан ном қозонган араб қабиласи бўлиши) миннатини тортма. Иззат топмас ким қаноатсиз ўлур, Ҳар кимса ҳасуд бўлса, роҳатсиз бўлур.

Қаноатсиз киши хўрмат топмайди, ҳасудўйнинг хотиржамлиги бўлмайди. Ишқи неча саъблик, имкон эрур, Ким ани осон тутар, осон эрур.

Ҳар қандай оғир ишинг ҳам ечими бор, ким уни осон ҳисобласа, амалга ошириш осон кечади. Ишеким, зарар нафдин бўлса кўп, Эмас қилмоғи ақл олинда кўб.

Зарари фойдасидан кўпроқ бўлган ишни қилиш ақлдан эмас. Илм ичра менга то бўлди модҳал, Топилмас мушқуле мен қилмаган ҳал.

Илм орттиргач, дунёда мен ҳал қилолмайдиган муаммо қолмади. Илм, Навоий, сенга мақсуд бил, Эмдики илм ўлди, амал айлагил.

Илм ортуқким, икки жаҳон шоҳлиғи. Йигитликда йиг илмининг маҳзани, Қарилик чоғи харж қилғил ани.

Ешликда илм ҳазиналарини йиққин, қаригач сарф қилгин. Ийлар тутубон шайх мақолотига гўш, Не кўнгулма заъв этти, не жонима жўш.

Кўп йиллар шайх сўзига қулоқ қолиб, на кўнгулимга хурсандлик ва на жонимга ғайрат ҳосил бўлди. Иллонни киши тутса сарқўфта, Балодин қилур ўз йўлин рўфта.

Киши иллонни тутганда бошини янса, ўзини балодан қутқарган бўлади. Йўқ эрса миждозин мувосо, Жон берса, не суд элга Исо?

Кишининг миждоз ва табиати бузулгач, Исонинг жон беришидан нима фойда? Йўқ хунари, ёлғиз эса ўз киши, Қайда киши сониди ёлғиз киши.

Кимсаннинг ўзи ёлғиз эса, унинг фазилати ҳам йўқ кабудур, чунки ёлғиз киши киши қаторида бўлмайди. Йўл ёмону яхшисидин ома ғам, Бисмиллаҳ, дегил-у қўйғил қадам.

Йўлдин ахир сурма сутонмен дебон дарвешни, Ёд эт: ул йўлдинки, ҳам дарвешу ҳам султон борур.

Йўқ олам ичинда фардлик меҳнатидек. Оламда ёлғизлик азобидек азоб йўқ. Йўқ феъл кишига яхшироқ эҳсондин. Инсон учун кўли очикликдан орқин фазилат йўқ.

Йўл неча туз, йўлчиға мақсад қариб, Хамлиғидин тушса йироқ, йўқ ажиб. Йўл ҳар қанча тўри-ю, мақсад яқин бўлмасин, эгрилиги туйғайли киши манзилга етолмай ора йўлда қолса, сира ажабланидиган жойи йўқ.

Йигитликда йўл урди нафси ҳасуд, Надомат қарилғида эмди на суд. Ешликда нафсинг бошлаган ёмон йўлдан юрган бўлсанг, қарилқида энди афсус-надомат чекишингдан нима фойда?

Йигитлик умр гулшанининг баҳоридур. Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

АЛИШЕР НАВОЙЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ АБДУЛЛА ҚАҲҲОР ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН БЎЛИБ ЎТДИ.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси депутatlари,

Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигига АДИБ ИЖОДИ ВА ЁШЛАР

олимлар, шoir ва ёзувчилар, китобхонлар иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси раиси, ёзувчи Х.Дўстмухамедов, адабиётшунос олимлар Н.Каримов, У.Нор-

матов ва бошқалар ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган атоқли адиблар ижодини чуқур ўрганиш ва тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг 2007 йил 8 январдаги «Ўзбеки-

стон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»-ги қарори бунинг ёркин намунасидир. Абдулла Қаҳҳор ижодий мероси ёш авлодни Ватанга мураббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳи-

да тарбиялаш борасида муҳим аҳамиятга эгадир. Атоқли адиб миллий адабиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўиш баробарида жаҳон адабиётининг дурдона намуналарини она тилимизга маҳорат билан ўйрган. Анжуманда «Ўзбек адабиётида Абдулла Қаҳҳор ижодининг ўрни», «Адиб ҳақида хотиралар», «Абдулла Қаҳҳорнинг таржимонлик маҳорати» каби мавзуларда маърузалар тингланди. (ЎЗА)

Спорт

Болалар спорти

ҒОЛИБЛАР МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИ

ШАХРИМИЗДАГИ 57-МАКТАБДА 25, 66 ВА 57-МАКТАБЛАР ЎҚУВЧИЛАРИ ЎРТАСИДА БАСКЕТБОЛ БЎЙИЧА БЕЛЛАШУВЛАР БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ЎСМИРЛАР ВА ҚИЗЛАР БУХОРО ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН РЕСПУБЛИКА МИҚЭСИДАГИ МУСОБАҚАЛАРДА ҚАТНАШИШ ҲУҚУҚИНИ ҚўЛГА КИРИТИШ УЧУН ЎЗАРО БАҲС ЮРИТИШДИ.



Special Olympics

Баскетбол учрашувлари тезкор руҳда ва ишқибозларнинг қизгин кўллаб-қувватлашлари остида ўтганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Чунончи, 25-мактаб қизлари худди профессионаллар каби аниқ тўп ошириб, майдонни яхши кўра билган ҳолда, тезкор тарздаги ўйин кўрсатишди. Буларнинг барчаси мактаб ўқувчилар терма жамоасининг турнир голиби бўлишига имкон яратди. 66-мактаб ўқувчи қизларига иккинчи ўрин насиб этди. Ушбу муваффақиятда мураббий Рашид Сафаровнинг хизматлари катта. Майдон эгалари—57-мактаб ўсмирлар жамоасига эса ўғил болалар ўртасида ўтказилган мусобақаларда галаба нашидасидан завқланиш насиб этди. Турнирнинг барча голиб ва совриндорлари медаллар, дип-

ломлар ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди. Республика Таълим маркази мувофиқлаштирувчиси Искандар Латипов биз билан суҳбатда тез кунларда стол тенниси ва сузиш бўйича ҳам ўсмирлар ва қизлар ўртасида шундай мусобақалар ўтказилишини таъкидлаб ўтди. Демак болалар спортини риволантириш ишлари шаҳримизда мунтазам равишда давом этади. (Ўз мухбиримиз) СУРАТЛАРДА: баскетбол мусобақаларидан лавҳалар

«ТРАМВАЙЧИ» — 35 ЁШДА

ШАҲАР ЙЎЛОВЧИ ТРАНСПОРТИ ХОДИМЛАРИНИНГ СЕВИМЛИ ФУТБОЛ ЖАМОАСИ ЎЗИНИНГ 35 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАДИ. ШУ ЎТГАН ДАВР «ТРАМВАЙЧИ» ДЕБ НОМЛАНГАН БУ ЖАМОА УЧУН ҚИЗГИН ЎЙИНЛАР, ЭПЧИЛЛИК ВА МАҲОРАТ ЙИЛЛАРИ БЎЛДИ.

Жамоа кўплаб ўйинларда иштирок этиб, «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси транспортчилари юзини ёруғ қилди. Шу сана муносабати билан уюштирилган юбилей шодиёна-си мухлисларга катта қувонч бахш этди. «Трамвайчи»га кўп йиллардан бери мураббийлик қилиб келаётган спорт фахрийси Иван Шкандин жамоанинг босиб ўтган йўли ҳақида гапириб берди. Уюштирилган футбол мусобақасида «Трамвайчи» ва «Бектемир» жамоалари майдонга тушдилар. Учрашув натижасидан қатти назар ҳар икки жамоа Ўзбекистон автомобиль, дарё, электр транспорти ва йўл ҳўжалиги ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди. (Ўз мухбиримиз)

ҲИНДИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АЁЛЛАР ЎРТАСИДА ТЕННИС БЎЙИЧА УЮШТИРИЛГАН ХАЛҚАРО ТУРНИРДА ИШТИРОК ЭТАЁТГАН ҲАМЮРТИМИЗ ОҚГУЛ ОМОНМУРОВОДА ДАСТАБКИ ҒАЛАБАСИНИ НИШОНЛАДИ.

Теннис

ОҚГУЛГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ

Ўн та давлат вакиллари иштирокида ўтказилаётган халқаро турнирда словакиялик Ярилла Гайдасова билан беллашган Оқул биринчи, иккинчи сетларни 6/3, 6/3 ҳисобида ўз фойдасига яқунлай олди. Муқофот жағрамаси 175 миң АҚШ долларидан иборат ушбу турнирнинг чорак финалига йўланма олган Оқулга омад тилаймиз.

Бокс

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ УФАГА ЖЎНАБ КЕТИШДИ

БОШҚИРДИСТОН ПОЙТАХТИДА БОКС БЎЙИЧА РОССИЯ ОЧИҚ ЧЕМПИОНАТИ МУСОБАҚАЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИШ МАҚСАДИДА ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИ УФАГА ЖЎНАБ КЕТИШДИ. Ундан ортик мамлакатдан ташриф буюрган чарм кўлоқ усталари қаторида голиблик учун кураш олиб боришни мақсад қилиб қўйган Ўзбекистон терма жамоаси сафида бу сафар умидли ёшлар—Адхам Казаков, Комрон Қосимов, Мрав Азарян, Шариф Айтбаев, Баҳром Поёзов, Илҳом Соатов, Хусниддин Шокиров, Шерзод Абдурахмо-

нов, Ахром Муралимовлар Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишади.

ШЕРЗОДНИНГ ҒАЛАБАСИ

РОССИЯДА УЮШТИРИЛГАН ПРОФЕССИОНАЛ БОКС МУСОБАҚАСИДА ИШТИРОК ЭТГАН ҲАМЮРТИМИЗ ШЕРЗОД НАЗАРОВ НАВБАТДАГИ РЕЙТИНГ ЖАНГИДА МУҲИМ ҒАЛАБАНИ ҚўЛГА КИРИТДИ.

Россиялик Анатолий Лобанскийга қарши рингга кўтарилган Шерзод Назаров дастлабки раундларданок устуликни ўз қўлига олди ва ўрт раундлик баҳсда очколар ҳисобида галаба қозонди. Шундай қилиб Шерзод ўзининг қучлилар сафидаги иккинчи учрашувини ҳам ажойиб галаба билан яқунлади. Акбар Йўлдошев

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Хўрматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Республика Кўчмас мулк биржаси

2007 йил 13 март куни соат 11-00да Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, М.Уразбоев кўчаси, 1-а уй, Республика кўчмас мулк биржаси (РКМБ) биносининг савдолар залида бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига суд ижрочилари томонидан хатланган қуйидаги автотранспорт воситаси такроран қўйилмоқда:

Тошкент шаҳар Миробод тумани суд ижрочилари томонидан тақдим этилган Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича судининг 2006 йил 12 октябрь кунги қарорига асосан хатланган Тошкент шаҳри ИИББ Ахборот Маркази ашёвий далилларини сақлаш бўлимида сақланаётган, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 11 L 0677 бўлган «УАЗ-3303» русумли автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 250 000 сўм. 2007 йил 13 мартдаги аукцион савдосида сотилмаган автотранспорт воситаси 2007 йилнинг 15, 20, 22, 27, 29 март 3, 5, 10 апрель кунлари ўтказиладиган аукцион савдосига қўйилишини маълум қиламиз.

«Тошкент оқшом» газетасининг 08.02.2007 йилдаги №27 (10.836)-сониди: 1. Суд Департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, Тошкент шаҳар Ҳўжалик судининг 09.01.2007 йилдаги 10-0610/13546-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «YALPIZ» МЧЖга тегишли, Тошкент шаҳар Чилонзор тумани, Лутфий кўчаси 2-уй манзилида кўп қаватли уйнинг биринчи қаватида жойлашган, умумий майдони 347,0 кв.м иборат бўлган «Савдо дўкони ва ҳўжалик моллари сақловчи омборхона».

Бошланғич баҳоси — 70 000 000 сўм. 2. Суд Департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, Тошкент шаҳар Ҳўжалик судининг 09.01.2007 йилдаги 10-0610/13546-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «YALPIZ» МЧЖга тегишли, Чилонзор тумани 16-даҳаси, 15-уй, 82-ҳонадонда жойлашган, умумий майдони 85 кв.м., фойдала майдони 75,23 кв.м., асосий хоналар сони 8 та, олди қисмида қўшимча 8,0 кв.м. ойнаванд қурилма ва 17,0 кв.м. навес қурилмаларидан иборат бўлган «Дорихона» биноси.

Бошланғич баҳоси — 1 383 736 сўм бўлган объектлар Суд Департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 16.02.2007 йилдаги №202-сонли хатига асосан аукцион савдоларидан олинди.

Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва закалат пулларини қабул қилиш, савдолардан бир кун олдин соат 16:00да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар (юридик ва жисмоний шахслар) объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини РКМБнинг қуйидаги; АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги х/р: 20210000700571452062, МФО: 00425, ИНН 200933850 ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт.

Телефонлар: 399-79-52, 399-84-48, 144-44-73, 144-44-72. Интернетдаги сайтими: www.rkmb.uz Лицензия: ДВ 001 №000004

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан Шайхонтоҳур туман 1-сонли ва Мирзо Улуғбек туман 2-сонли давлат нотариал идораларидаги ўрни бўш нотариуслик лавозимига тақоррий

ТАНЛОВ ЎТКАЗИЛАДИ

Танловда иштирок этиш истагини билдирган шахс бир ой муддат ичида қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- а) комиссия номига ариза; б) паспорт нусхаси; в) шахсий варақа (сўровнома); г) меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси; д) нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси; е) малака имтиҳонини топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма; ж) нотариат ишига бевосита раҳбарлик қилиш билан боғлиқ вазифаларда ишлаб келаётган талабгорларга унинг ишлаб келаётган лавозими ва ўз лавозимига мувофиқ унга юклатилган вазифалар аниқ кўрсатилган маълумотнома; з) охириги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

«Ўзбек Давлат цирки» республика бирлашмаси

ўсмирлар ва қизлар, шунингдек, Меҳрибонлик уйлари ва интернатларнинг тарбияланувчилари учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ Хоҳловчилар 14 ёшдан 25 ёшгача бўлиши керак

Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-09, 144-37-31 Соат 9.00 дан 17.30 гача кўнги-рок қилинган.

Тадбиркор Аширов органик ўғити «Агро А» (гумус)ни чекланмаган миқдорда сотади. Тел: 702-17-91

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ. Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ. Буюртма Г-107

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4398 нусхада босилди. Қўзғат бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшом»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифланди. «Шарк» нашриёт-матбаа оқидорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 6